

Ой мавзуси: Январь Болалар богчаси

Гурух		Кичик гурух номли гурух_____					
Мавзу		Мен ва менинг танам					
Давр		Январь ойининг 3- хафтаси					
Ривожланиш сохалари бўйича мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Асосий ҳаракатларни бажара олади, кошик, салфеткалардан фойдалана олади, кичик хажмдаги уйинчоқларни кутичага йига олади.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Мустика тинглаб туриб куйдаги кайфиятни ажрата олади. Сухбат жараёнида муомалага кириша олади, узига керак нарсаларни билдиради.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Тана қисмлари номини айта олади. Мулоқотга аниқ ва равон кириша олади, уз ҳаракатларини назорат кила олади, намуна асосида расмларни чиза олади ва буяйди.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Учбурчак шаклини билади, номини тугри айта олади, тана қисмларини айта олади ва бир-биридан ажрата олади.					
	Ижодий ривожланиш	Икки қисмдан иборат предметларни лойдан ясай олади. Бир неча қисмдан иборат предметлар расминини образли ҳолатда аск эттира олади.					
Ривожланиш марказлари		Таълим-тарбиявий фаолият					
		Душубанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	“Менинг хона жихозларим”					Йирик хажмдаги қурилиш материаллари (ёки “Лего” йигмаси ёки турли хажмдаги картон кутилар)
	Сюжетли-ролли ўйинлар			“Бармоқларнинг номи”ўйин			Қул бармоқлари учун рангли кулқоп,
	Нутқ ва тил		“Мен ва менинг тана аъзоларим” магнит доскада акс эттириш				Тайёр магнит доскача, одам тана аъзолари (бош, тана, кул, оёқлар) магнитлар
	Фан ва табиат				“Қумда одам расминини тасвирлаш”		Махсус идишда қум, қум солиб чизиш учун ясси тахтача
	Санъат маркази	Аппликация “Қувнок масҳарабоз”		Расм: “Аквариумдаги балиқлар”		Лой “Ётмас қугирчоқ” (матрешка)	Қогоз, рангли гуашь, ранглар, муйкалам, сув учун идишчалар, пластин ёки лой, тахтача, салфетка.

Январь ойи 3 хафта

Хафта мавзуси: “Мен ва менинг баданим”

Курилиш -ясаиш ва математика маркази:

“Менинг хона жихозларим”

Мақсад: Курилиш материаллари , кубик ва ғиштчалардан бир бирига мослаган холда кроват,стол,стул, шкаф ясаишга ўрганади.

Керакли жихоз ва материаллар: курилиш материаллари, лево,турли хажмдаги картон кутилар,хона тасвирланган суратлар.

Фаолиятни бориши:

1. Хона тасвирланган суратларни кузатиш.
2. Тайёр намуналарни кузатиш.
3. Ким нима ясадини тақсимлаш.
4. Болалар иши.
5. Рағбатлантириш

Қўшимча қисм: Ясалган жихозлардан хона ташкил қилиш ва уни безатишни таклиф этиш.(гуллар, уйинчоклар,наклейкалар).

Эътиборга молик жиҳати: жихозлардан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақида билим бериш.

Санъат маркази

Аппликация “Кувнок масхарабоз”

Мақсад:шаклларни варракқа тўғри ва тарбибли елимлаш орқали тасвир хосил қилишга эришади,елимдан тўғри фойдаланади,рангларни ажратади.

Керакли жихоз ва материаллар: рангли қоғозлардан кесилган тайёр, доира ,овал, учбурчак, шакллари. елим, салфетка, масхарабоз сурати, ўйинчоғи.

Фаолиятни бориши:

1. Масхарабоз билан танишиш,(сурат еки ўйинчок).
2. Намуна билан танишиш.
3. Елимлаш кетма-кетлиги билан танишиш..
4. Болалар мустақил фаолияти.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: қўл театири,ўйинчокларини бериб ўйнашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: тана қисимлари ҳақида тушунча бериш.

Нутқ ва тил маркази

“Мен ва менинг тана аъзоларим”

Мақсад: одам тана қисмлари тугрисида тушунчага эга бўлади, уларни ўз ўрнига жойлаштиришга ҳаракат қилади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Тайёр магнит доскача, одам тана аъзолари (бош, тана, кул, оёқлар) магнитлар, ҳаркатлар акс эттирилган карточкалар.

Фаолиятни бориши:

1. Одам тана қисмлари билан танишади.
2. Магнит доскада тана қисмларининг жойлаштиради.
3. Суратларни кўриш, ҳаракатларни бажариш.
4. Болаларни ўйин фаолияти.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: “Қўлларимиз қани” ўйинни ўйнашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: Одам танаси қисмлари, уларнинг жойлашиши ҳақида тушунчага эга бўлади.

Сюжетли ролли ўйинлар ва драмалаштириш маркази

“Бармоқларнинг номи”

Мақсад: Қўллар, бармоқлар билан танишади. Катта, кичик деган тушунчалар ва бармоқларнинг номлари билан танишади, майда қўл моторикаси ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қўл бармоқлари учун рангли қўлқоп, бармоқларнинг ҳар бири турли ранглар ва образлар кўринишида бўлиши, болалар қўлига мос бўлиши керак.

Фаолиятни бориши:

1. Қўллар ва бармоқлар билан танишади.
2. Бармоқларнинг ҳар бири ўз шакли ва катта-кичиклигига эга эканлиги ҳақида видео лавҳа кўриш.
3. Болаларни мустақил фаолияти.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: “Бармоқчалар” хақида шеър айтиш

Эътиборга молик жиҳати: тана қисимлари хақида тушунчалари кенгаяди.

Санъат маркази

Расм: “Аквариумдаги балиқлар” (жамоа иши) .

Мақсад: аквариум ундаги балиқлар туларни кўриниши ранги шакли хақида тушунқага эга бўлади,мўй қалам билан расм солиш кўникмалари мустаҳкамланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳово ранг қоғоз,рангли бўёқлар, салфетка, аквариум расми.

Фаолиятни бориши:

- 1.Аквариум билан танишади.
- 2.Намуна билан танишади.
3. Иш жараёнини тақсимлаш (ўтлари, балиқлар , тошлар,)
- 4.Жамоа иш жараёнлари.
- 5.Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: балиқни тана қисимлари билан танишишни таклиф этиш (балиқни, танаси, оғзи, кўзи, думи, қанотлари билан танишиш)

Эътиборга молик жиҳати: жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини шакллантириш.

Фан ва табиат маркази

“Қумда одам расмини таъсвирлаш”

Мақсад:Қум хақида таъсаввури кенгаяди. қумда таёқча билан одам шаклини ҳосил қилишга ўргатиш, майда қўл моторикаси ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Махсус идишда қум, чизиш учун таёқча,салфетка,одам таъсвирланган суратлар.

Фаолиятни бориши:

1. Қум билан танишади.
2. Одам суратларни кузатади.
3. Қумда чизилган намуна билан танишади.
4. Мустақил ишлари.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Қумларни намлаб, ҳар –хил нарсалар ясашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати:табиат материалларидан ижод қилишга ўргатиш..

Санъат маркази

Лой: “Ётмас қўғирчоқ” (матрёшка)

Мақсад: лойни бўлақларга бўлиш, кафт орасида думолоқлаш, катта-кичик доирачалар ҳосил қилишни ўрганади, қўғирчоқ ясайди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Пластилин ёки лой, тахтача, тайёр намуна ва ётмас қўғирчоқ яшаш кетма-кетлиги, тайёр матрёшкалар расми, салфетка.

Фаолиятни бориши:

1. Ётмас қўғирчоқ матрёшка билан танишиш.
2. Намунани кузатиш.
3. Ўйинчоқ намунаси билан танишади.
4. Болалар мустақил фаолияти.
5. Рағбатлантирилади

Қўшимча қисм: АКТ дан мультфилм томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: лойдан тартибли фойдаланиш малакасини ошириш.